

**В.И. РОМАНОВСКИЙ НОМИДАГИ МАТЕМАТИКА ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.02/30.12.2019.FM.86.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ДУРДИЕВ УМИДЖОН ДУРДИМУРАТОВИЧ

**ЎРАМА КЎРИНИШДАГИ ГИПЕРБОЛИК ИНТЕГРО–
ДИФФЕРЕНЦИАЛ ТЕНГЛАМАЛАРДА МАХСУС ИККИ ЎЛЧОВЛИ
ЯДРОЛАРНИ АНИҚЛАШ МАСАЛАЛАРИНИ ТАДҚИҚ ҚИЛИШ**

**01.01.02 – Дифференциал тенгламалар ва математик физика
(физика-математика фанлари)**

**ФИЗИКА–МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ
бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
А В Т О Р Е Ф Е Р А Т И**

Тошкент – 2020

**Физика-математика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации
доктора философии (PhD) по физико-математическим наукам**

**Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on physical-
mathematical sciences**

Дурдиев Умиджон Дурдимуратович

Ўрама кўринишдаги гиперболик интегро-дифференциал
тенгламаларда махсус икки ўлчовли ядроларни аниқлаш масалаларини
тадқиқ қилиш 3

Дурдиев Умиджон Дурдимуратович

Исследование задач определения специальных двумерных ядер в
гиперболических интегро-дифференциальных уравнениях типа
свёртки. 27

Durdiev Umidjon Durdimuratovich

Investigation the problems of determining the special two-dimensional
kernels in hyperbolic integro-differential equations of convolution type 51

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 55

**В.И. РОМАНОВСКИЙ НОМИДАГИ МАТЕМАТИКА ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.02/30.12.2019.FM.86.01 РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ**

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ДУРДИЕВ УМИДЖОН ДУРДИМУРАТОВИЧ

**ЎРАМА КЎРИНИШДАГИ ГИПЕРБОЛИК ИНТЕГРО–
ДИФФЕРЕНЦИАЛ ТЕНГЛАМАЛАРДА МАХСУС ИККИ ЎЛЧОВЛИ
ЯДРОЛАРНИ АНИҚЛАШ МАСАЛАЛАРИНИ ТАДҚИҚ ҚИЛИШ**

**01.01.02 – Дифференциал тенгламалар ва математик физика
(физика-математика фанлари)**

**ФИЗИКА–МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ
бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
А В Т О Р Е Ф Е Р А Т И**

Тошкент – 2020

Физика-математика фанлари бўйича фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.2.PhD/FM460 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Бухоро давлат университети Физика-математика факультети “Математика” кафердасида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (<http://kengash.mathinst.uz/>) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (www.ziyo.net) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	Карчевский Андрей Леонидович физика–математика фанлари доктори, профессор (Россия)
Расмий оппонентлар:	Ашуров Равшан Раджабович физика–математика фанлари доктори, профессор Ўразбоев Ғайрат Уразалиевич физика–математика фанлари доктори
Етакчи ташкилот:	Самарқанд давлат университети

Диссертация ҳимояси В.И. Романовский номидаги Математика институти ҳузуридаги DSc.02/30.12.2019.FM.86.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «___» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100170, Тошкент ш., Мирзо Улуғбек тумани, Мирзо Улуғбек кўчаси, 81-уй. Тел.: (+99871) 262-75-44, факс: (+99871) 262-73-57, e-mail: kengash@mathinst.uz).

Диссертация билан В.И. Романовский номидаги Математика институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100170, Тошкент ш., Мирзо Улуғбек тумани, Мирзо Улуғбек кўчаси, 81-уй. Тел.: (+99871) 262-75-44).

Диссертация автореферати 2020 йил «___» _____ кунини тарқатилди.
(2020 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

У.А. Розиков

Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш раиси, ф.-м.ф.д., профессор

Ж.К. Адашев

Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш илмий котиби, ф.-м.ф.н.,
катта илмий ходим

А.А. Аъзамов

Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш ҳузуридаги илмий семинар
раиси, ф.-м.ф.д., академик

КИРИШ (докторлик диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Тескари масалалар астрономияга, квантларнинг тарқалиши назариясига, геофизикага, иссиқлик физикасига, тиббиётга, ҳамда ЭҲМ пайдо бўлиши билан замонавий илм – фаннинг барча соҳаларига кириб борди. Математик физикада тўғри масалаларнинг ечимини топиш учун тенгламанинг коэффицентларини, соҳа чегарасини, бошланғич ва чегаравий шартларни бериш лозим. Аммо амалиётда тенглама коэффицентларини ҳар доим ҳам бериб бўлмайди (эластиклик назарияси – сейсмик қидирув, Максвелл – геозлектрика, тўлқин тарқалиш тезлиги ва зичлиги – акустика, иссиқлик физикасида иссиқлик ўтказувчанлик коэффиценти ва иссиқлик манбаларининг зичлиги ва бошқалар). Ҳар доим ҳам бошланғич ва чегаравий шартларни, шунингдек, соҳа чегарасини ўлчаб бўлмайди. Бундай ҳолда, тадқиқотчилар тўғри масалани ечиш учун қўшимча маълумотни ўлчайдилар (сейсмограммалар, муҳит юзасидаги потенциал, ечимнинг спектрал хусусиятлари, сочиш берилганларини, томограммалар ва бошқалар) ва тескари масалани ечишга ҳаракат қилмоқдалар, яъни коэффицентларни, бошланғич ёки чегаравий шартларни, соҳа чегарасини топадилар.

Биринчи марта тескари масалалар ХХ–асрнинг бошларида сейсмиканинг тескари кинематик масаласи сифатида шакллантирилган ва бугунги кунда бундай масалалар назарияси замонавий математиканинг тез ривожланаётган соҳаси ҳисобланади. Ўтган асрнинг охиридан бошлаб, берилган жойларда тегишли майдонларни ўлчаш учун вақт ўзгарувчиси бўйича ўрама кўринишдаги гиперболик интегро–дифференциал тенгламаларда ядрони аниқлаш тескари масалалари пайдо бўлди. Табиий фанларда баъзи жараёнларни математик моделлаштиришда хотирага эга бўлган системалар деб аталувчи системаларга дуч келинадик, бу системаларнинг ўзини тутиши системанинг олдинги ҳолатига боғлиқ бўлиб, интегро–дифференциал тенгламалар билан ифодаланади. Бундай жараёнлар юз берадиган муҳитлар хотирага эга бўлган муҳитлар дейилади. Муайян шароитларда эластиклик ва (ёки) электромагнит тўлқинларнинг тарқалиш тенгламаларига “кечикувчан” ёки “таъсирдан сўнгги” ходисаларини тасвирловчи ўрама кўринишдаги Вольтерра операторлари қўшилади. Сўнгги пайтларда бундай тенгламаларда ўрама ядросини аниқлаш масалаларига қизиқиш ошди. Бу бир томондан, яққол берилган хусусиятларга эга бўлган янги материалларнинг пайдо бўлиши билан боғлиқ бўлса, иккинчи томондан, замонавий супер асбоблар ёрдамида амалга оширилган ўлчовларнинг аниқлиги ошиши билан изоҳланади, бу эса тажриба натижаларни назария башорати билан таққослаш имконини беради.

Ўрама кўринишдаги интеграл ҳадларни ўз ичига олган Максвелл тенгламалар системаси дисперсияли электродинамик жараёнларни тавсифлайди. Эластиклик назариясининг интегро–дифференциал тенгламаларида бундай интеграл ҳад жисмнинг ёпишқоқлик таъсирига жавобгардир. Иккала ҳолатда ҳам тенгламадаги ўрама ядролари одатда

номаълум функциялардир. Электромагнит ва эластик тўлқинларнинг тарқалаши бу ядроларга боғлиқ. Шундай қилиб, интегро–дифференциал тенгламалар билан боғлиқ баъзи тескари масалаларни кўриб чиқиш зарурияти туғилади. Хотирага эга бўлган турли хил муҳит ва системаларда тўлқин жараёнлари ва ҳодисаларини ўрганиш, назарий ва замонавий ЭҲМларда амалга ошириладиган сонли усулларнинг ривожланишига туртки бўлди. Шунини ҳисобга олган ҳолда, математик моделлаштириш ва хотирали муҳитда электромагнит ва эластик тўлқинлар тарқалишининг интегро–дифференциал тенгламалари учун тўғри ва тескари масалаларнинг корректлигини ўрганиш, шунингдек, бундай масалалар учун самарали ҳисоблаш алгоритмларини ишлаб чиқиш назарий ва амалий жиҳатдан қизиқиш уйғотади. Шунинг учун ушбу диссертациядаги тадқиқотлар жуда долзарбдир.

2020 йил Илм-маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили деб эълон қилинди. Бугунги кунда давлатимиз раҳбарияти барча аниқ фанларнинг асоси бўлган математикани ривожлантиришга катта эътибор қаратмоқда. Ушбу диссертация маълум даражада Илм-маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йилига бағишланган давлат дастурида ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг №-ПҚ-4387 рақамли қарорида “Математика таълими ва фанларини янада ривожлантиришни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясининг В.И. Романовский номидаги математика институти фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2017 йилнинг 17 февралдаги №-ПҚ-2789 “Фанлар Академияси фаолияти, илмий-тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ва 2017 йилнинг 8 февралдаги №-ПФ-4947 “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”, 2018 йилнинг 5 июндаги № ПҚ-3775 “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”, шунингдек, ушбу фаолиятга оид бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ҳизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг IV. «Математика, механика ва информатика» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Стационар бўлмаган жараёнларни тавсифловчи дифференциал ва интегро-дифференциал тенгламалар ва системалар учун динамик тескари масалалар фаол ўрганилмоқда. Бундай масалаларда, қоида тариқасида, қўшимча маълумот сифатида маълум вақтларда тегишли сиртдаги тўғри масала ечими излари берилган бўлади. Гиперболик тенгламалар ва системалар учун динамик тескари масалалар биринчи бўлиб А.С. Алексеев, М.М. Лаврентьев, В.Г.

Романов, А.С. Благовещенскийлар томонидан қўйилган ва тадқиқ қилинган. В.Г. Романов томонидан гиперболик тенгламалар ва системалар учун динамик тескари масалалар тизимли ўрганилди. Тескари динамик масалалар ечимларининг ягоналиги ва мавжудлиги ҳақидаги локал теоремаларни исботлаш усуллари, шунингдек, масалаларнинг ечимларини сонли ҳисоблаш усуллари В.Г. Романов томонидан ишлаб чиқилган, ҳамда унинг шогирдлари В. Г. Яхно, С. И. Кабанихин, А.Л. Карчевский, Д.К. Дурдиев ва бошқаларнинг ишларида тескари масалаларни ўрганишда қўлланилган.

Ўрама ядрони аниқлашнинг тескари масалалари бўйича биринчи натижалар итальян математиклари А. Лоренци ва М. Грассели ишларида олинган. А.Лоренци, М.Грассели, С.И. Кабанихин, А.Л. Бухгейм, Н.И. Калинина, Я. Янно ишларида асосан силлиқ функциялар билан ифодаланувчи тақсимланган манбали ўрама кўринишдаги гиперболик ва параболик интегро-дифференциал тенгламаларда интеграл ҳад ядросини аниқлашнинг бир ўлчовли тескари масалалари ўрганилган. Ҳозирги кунда ушбу мавзу кўплаб олимларнинг илмий изланишлари ҳисобланади. В.Г. Романов, А.Л. Бухгейм ва Д.Қ. Дурдиев ишларида муҳитнинг бирор бир нуқтаси атрофида ёки муҳит чегарасида берилган дельта-функцияли бир ва кўп ўлчовли гиперболик типдаги чизикли интегро-дифференциал тенгламалар ўрганилди. А.Л. Карчевский ишларида ёпишқоқ-эластиклик ва электродинамиканинг интегро-дифференциал тенгламалари ядросини тиклашнинг сонли ечиш усуллари келтирилган. Ушбу ишларда кўриб чиқилган дифференциал ва интегро-дифференциал тенгламалар учун динамик тескари масалалар ушбу тенгламаларнинг умумлашган ечимлари тўғрисида баъзи маълумотлар бўйича муҳит хотирасининг функциясини аниқлашдан иборат. Бу ерда ечимлар импульсли йўналтирилган “зарбалар” ёки “портлашлар” каби манбалардан келиб чиқадиган эластик ёки электромагнит тўлқинларнинг тарқалиш жараёнини тавсифлайди. Дифференциал тенгламаларнинг кўриб чиқилган умумлашган ечимлари, коида тариқасида, фундаментал ечимлар дейилади.

Асосан, гиперболик дифференциал, интегро-дифференциал тенгламалар ва системалар учун тескари масалаларда ечилувчанлик муаммолари фақат номаълум коэффицентлар бир ўзгарувчига боғлиқ бўлган ҳолларда ўрганилган. В.Г. Романов томонидан фазовий ўзгарувчилардан бири бўйича тригонометрик кўпҳад, бошқа ўзгарувчига нисбатан узлуксиз коэффицентли функциялар синфида телеграф тенгламасининг икки ўлчовли коэффицентини аниқлаш учун тескари масаласини ўрганиш усулини таклиф қилинган. Ушбу усулга асосланиб, ушбу диссертацияда ўрама кўринишдаги гиперболик интегро-дифференциал тенгламалар ва системаларда икки ўлчовли ядрони аниқлаш учун тескари масалалар ўрганилади. Юқорида келтирилган ишлар ичида В.Г. Романов ва А.Л. Карчевский ишлари масалаларнинг қўйилиши ва тадқиқот методи жиҳатидан, шунингдек сонли натижаларни олиш нуқтаи назаридан ушбу диссертация ишига яқин бўлиб ҳисобланади.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация мавзуси “Ўрама кўринишдаги гиперболик интегро-дифференциал тенгламаларда махсус икки ўлчовли ядроларни аниқлаш масалаларини тадқиқ қилиш” Бухоро давлат университети илмий кенгаши томонидан маъқулланган, “Математика” кафедрасида ва Ўзбекистон Республикаси инновацион ривожланиш вазирлигининг Ф-4-02 “Чексиз ҳолатлар тўпламига эга бўлган математик физика моделларининг термодинамикаси” мавзусидаги илмий тадқиқот лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади ўрама кўринишдаги иккинчи даражали гиперболик интегро-дифференциал тенгламаларда махсус икки ўлчовли ядрони аниқлаш тенгласини ечиш усуллари яратиш, диагонал матрица функциясини ёпишқоқ-эластик тенгламалар системасидан аниқлаш, ҳамда ушбу тескари масалаларнинг ечимини ягоналигини, турғунлигини ва мавжудлигини ўрганишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

Ўрама кўринишдаги иккинчи тартибли гиперболик интегро-дифференциал тенглама учун бошланғич-чегаравий масала ечимининг турғунлик баҳосини олиш ва бир қийматли ечилувчанлигини ўрганиш. Интеграл ҳаднинг икки ўлчовли махсус ядросини тўғри масала ечимининг $x = 0$ нуқтадаги қийматига кўра аниқлаш.

Интеграл ҳаднинг ядроси учта ўзгарувчига боғлиқ бўлганда, гиперболик интегро-дифференциал тенглама учун бошланғич-чегаравий масаласи ечимини бир қийматли ечилувчанлигини ўрганиш ва турғунлик баҳосини олиш. Ядронинг фазовий қисмини топишда тескари масалани тўғри масала ечимининг $x = 0$ нуқтадаги қийматига кўра ўрганиш.

Бир жинсли анизотроп муҳитдаги ёпишқоқ-эластик тенгламалар системаси учун Коши масаласини қўйиш ва ўрганиш. Ёпишқоқ-эластик тенгламалар системасида диагонал матрица ядросини аниқлаш масаласини ўрганиш. Мавжудлик, ягоналик ва турғунлик баҳолари ҳақидаги теоремаларни олиш.

Қатламли муҳитнинг диэлектрик ўтказувчанлиги билан хотирали электродинамика тенгламалар системасидаги вақт частотасига боғлиқлигини аниқлаш учун сонли усулни куриш.

Тадқиқотнинг объекти ўрама кўринишдаги гиперболик интегро-дифференциал тенгламалардан иборат.

Тадқиқотнинг предмети ўрама кўринишдаги иккинчи даражали гиперболик интегро-дифференциал тенгламалар ва ёпишқоқ-эластик тенгламалар системаси учун икки ўлчовли тўғри ва тескари масалалардир.

Тадқиқотнинг усуллари. Тўғри масаланинг бир қийматли ечилувчанлигини иккинчи тур Волтерра типдаги интеграл тенгламалар билан алмаштириш ва кетма-кет яқинлашиш усулини қўллаш орқали исботланган. Сиқиб акслантириш усулига асосланиб, тескари масаланинг эквивалент интеграл тенгламалар системасига тадбиқ қилинган тескари масалаларнинг

локал ечилувчанлиги исботланан. Турғунлик баҳоларини олиш учун интеграл тенгламалар баҳоланади ва Гронуолла тенгсизликлари қўлланилади. Шунингдек, қуйидаги ишда математик таҳлил ва математик физика тенгламаларининг бошқа усуллари ҳам қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

Ўрама кўринишдаги иккинчи тартибли гиперболик интегро-дифференциал тенглама учун бошланғич-чегаравий масала ечимининг дифференциал хусусиятлари олинган.

Махсус икки ўлчовли ядрони аниқлаш учун, тўғри масала ечимининг $x=0$ нуктадаги қийматига кўра, тескари масала ечимининг мавжудлик, ягоналик ва шартли турғунлик теоремалари исботланган.

Интеграл ҳаднинг ядроси учта ўзгарувчига боғлиқ бўлганда, гиперболик интегро-дифференциал тенглама учун бошланғич-чегаравий масаласи ечимини бир қийматли ечилувчанлиги ўрганилган ва турғунлик баҳоси олинган, ядронинг фазовий қисмини топиш учун тескари масала ечимининг мавжудлик, ягоналик ва шартли турғунлик теоремалари исботланган.

Бир жинсли анизотроп муҳитдаги ёпишқоқ-эластик тенгламалар системасида диагональ матрица ядросини аниқлаш масаласи ўрганилган ва мавжудлик, ягоналик ва турғунлик баҳолари ҳақидаги теоремалар олинган.

Қатламли муҳитнинг диэлектрик ўтказувчанлиги билан хотирали электродинамика тенгламалар системасидаги вақт частотасига боғлиқлигини аниқлаш учун сонли усул қурилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари. Иш назарий характерга эга, аммо асосли равишда мавжуд экспериментал маълумотларга асосланади. Олинган натижалар мутахассислар томонидан математик физиканинг тескари масалаларида, хусусан, гиперболик интегро-дифференциал тенгламалар ва системаларда бир ва кўп ўлчовли ўрамани аниқлаш масалаларида фойдаланиш учун тавсия қилиниши мумкин. Горизонтал қатламли муҳитда хотира функциясининг параметрларини аниқлаш учун сонли усул олинади.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Дифференциал тенгламалар назарияси, тескари ва нокоррект масалалар назарияси, анализ усуллари қўлланилганлиги, ҳамда исботлар ва математик мулоҳазаларнинг қатъийлиги билан асосланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Олинган натижаларнинг илмий аҳамияти шундан иборатки, улар математик физиканинг интегро-дифференциал тенгламалари учун тескари ва нокоррект масалалар назариясини янада ривожлантириш учун ишлатилиши мумкин. Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, уларни геофизик ва сейсмик кузатишлар моделларида, хотирали муҳитда эластик ва электромагнит тўлқинларнинг тарқалишида қўллаш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ўрама кўринишдаги гиперболик интегро-дифференциал тенгламаларда махсус икки ўлчовли ядроларни аниқлаш масалаларини тадқиқ қилишга оид олинган натижалар қуйидаги йўналишларда амалиётга жорий қилинган:

Ўрама кўринишдаги гиперболик интегро-дифференциал тенгламаларда махсус икки ўлчовли ядроларни аниқлаш масалаларини тадқиқ қилишнинг таклиф этилган усулидан РФ 18-19-00538 рақамли 01.01.2019-30.12.2019 даврдаги “Микро- ва наноқопламали сиртлардаги суюқлик томчиларининг динамикаси ва буғланиши” мавзусидаги лойиҳада қатламли муҳитнинг диэлектрик ўтказувчанлиги билан хотирали электродинамика тенгламалар системасидаги вақт частотасига боғлиқлигини аниқлаш учун сонли усул қуришда фойдаланилган (Россия Фанлар академияси Сибир бўлинмаси С.Л. Соболев номидаги Математика институти, 2020 йил 10 июндаги №705-5-250 рақамли маълумотнома). Илмий натижаларнинг қўлланилиши қатламли муҳитнинг диэлектрик ўтказувчанлиги билан хотирали электродинамика тенгламалар системасидаги вақт частотасига боғлиқлигини аниқлаш учун сонли усул қуриш имконини берган.

Ўрама кўринишдаги гиперболик интегро-дифференциал тенгламаларда махсус икки ўлчовли ядроларни аниқлаш масалаларини тадқиқ қилишнинг таклиф этилган усулидан ОТ-Атех-2018-340 рақамли 01.01.2018-31.12.2020 даврдаги “Икки тезликли муҳит динамикасининг амалий геофизик масалаларини назарий ва сонли тадқиқ этиш” мавзудаги лойиҳада ёпишқоқ–эластик тенгламалар системасида диагонал матрицали ядрони аниқлаш масаласининг ягоналик ва турғунлик баҳолари, мавжудлигини ўрганишда фойдаланилган (“Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги”, 2020 йил 5 июндаги №89-03-1934 рақамли маълумотнома). Илмий натижаларнинг қўлланилиши ёпишқоқ–эластик тенгламалар системасида диагонал матрицали ядрони аниқлаш масаласининг ягоналик ва турғунлик баҳолари, мавжудлигини ўрганиш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари, 5 та илмий-амалий анжуманларда, жумладан 3 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 6 та илмий иш чоп этилган, уларнинг барчаси Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари (PhD) асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда, жумладан, 4 таси хорижий ва 2 таси республика журналларида нашр этилган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация кириш қисми, учта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, мавзу бўйича хорижий ва маҳаллий илмий-тадқиқотлар шарҳи, муаммонинг ўрганилганлик

даражаси келтирилган, тадқиқот мақсади, вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби «**Гиперболик интегро-дифференциал тенгламада махсус икки ўлчовли ядрони топиш масаласи**» деб аталади ва унда ўрама кўринишдаги иккинчи тартибли тескари гиперболик интегро-дифференциал тенгламалар учун тўғри масалалар кўриб чиқилади. Бу ерда номаълум ядронинг узлуксиз коэффицентли иккинчисига боғлиқ ҳолда ўзгарувчилардан бири бўйича тригометрик полином кўринишида оламиз.

1.1 параграфда биз кейинги параграфда қўйилган ва ўрганилган тескари масала учун тўғри масалани ўрганамиз. $(x, y, t) \in \mathbb{R}_+^3$ учун интегро-дифференциал тенгламани

$$\frac{\partial^2 u}{\partial t^2} - \Delta u = \int_0^t k(y, \tau) u(x, y, t - \tau) d\tau \quad (1)$$

$$u|_{t < 0} \equiv 0, \quad \frac{\partial u}{\partial x}|_{x=0} = \delta'(t), \quad (2)$$

бошланғич ва чегаравий шартлар билан қаралган, бу ерда $\Delta = \frac{\partial^2}{\partial x^2} + \frac{\partial^2}{\partial y^2}$ – Лаплас оператори, $\mathbb{R}_+^3 = \{(x, y, t) \in \mathbb{R}^3 \mid x > 0\}$, $\delta'(t)$ – Дирак функцияси ҳосиласи. (1) тенгламадаги k ядрони y фазовий ўзгарувчисига нисбатан $N \geq 0$ фиксирланган бутун сон билан

$$k(y, t) = \sum_{s=-N}^N k_s(t) e^{isy} \quad (3)$$

сонли Фурье қатор кўринишида ифодалаш мумкин дейлик. $\Omega(N, T, K)$ орқали $k_s, |s| \leq N$ коэффицентлари $[0, T]$ оралиғда узлуксиз бўлган ва

$$|k_s(t)| \leq K, \quad t \in [0, T], \quad -N \leq s \leq N.$$

шартларни қаноатлантирадиган $k(y, t)$ функциялар тўпламини белгилаймиз. $k(y, t) \in \Omega(N, T, K)$ учун (1), (2) масала ечими y га нисбатан 2π даврий функция ҳисобланади ва уни y бўйича чексиз Фурье қатори билан ифодалаш мумкин.

$$u(x, y, t) = \sum_{s=-\infty}^{\infty} u_s(x, t) e^{isy} \quad (4)$$

бу ерда (1) – (4) ифодалардан келиб чиқадиган коэффицентлар қуйидаги тенгламани қаноатлантиради

$$\frac{\partial^2 u_m(x, t)}{\partial t^2} - \frac{\partial^2 u_m(x, t)}{\partial x^2} + m^2 u_m(x, t) = \int_0^t \sum_{s=-N}^N k_s(\tau) u_{m-s}(x, t - \tau) d\tau, \quad (5)$$

$$u_m(x, t)|_{t < 0} \equiv 0, \quad (6)$$

$$\frac{\partial u_m(x, t)}{\partial x} \Big|_{x=0} = \delta_{0m} \delta'(t). \quad (7)$$

$$m \in \mathbb{Z}.$$

бу ерда δ_{0m} – Кронекер симболи.

Куйидаги теоремалар (5) – (7) тўғри масала ечимининг бир қийматли ечилувчанлигини ва турғунлик баҳоларини тавсифлайди:

Теорема 1. T – ихтиёрий мусбат сон бўлсин, $k_s(y, t) \in \Omega(N, T, K)$ ва $D(T) = ((x, t) | 0 \leq x \leq T - t)$. У ҳолда (5) – (7) масаланинг ечими мавжуд ва уни $D(T)$ соҳада қуйидаги

$$u_m(x, t) = -\delta_{0m} \delta(t - x) + v_m(x, t) \theta(t - x), \quad m = 0, \pm 1, \pm 2, \dots,$$

қўринишда бериш мумкин, бу ерда $\theta(t)$ – Хевисайд функцияси: $t \geq 0$ учун $\theta(t) = 1$; $t < 0$ учун $\theta(t) = 0$ ва $v_m(x, t)$ функция $D'(T) = ((x, t) | 0 \leq x \leq t \leq T - x)$ соҳада узлуксиз дифференциалланувчи. Бундан ташқари, бу ечим ягона ва K, T га узлуксиз боғлиқ $C_1 = C_1(N, T, K) \geq 1$ ва $C_2 = C_2(N, T, K)$ ўзгармаслар мавжуд бўлиб, қуйидаги

$$|v_m(x, t)| \leq C_1 \frac{KT^2}{2}, \quad -N \leq m \leq N,$$

$$|v_m(x, t)| \leq C_1 \frac{(KT^2)^{n+1} (2N + 1)^n t^n}{2^{n+1} \cdot n!},$$

агар

$$(x, t) \in D'(T), Nn < |m| \leq (n + 1)N, n = 1, 2, \dots,$$

ва

$$\left| \frac{\partial v_m(x, t)}{\partial t} \right| \leq \frac{KT(1 + m^2 T^2)}{2} [1 + (2N + 1)C_2], \quad -N \leq m \leq N,$$

$$\left| \frac{\partial v_m(x, t)}{\partial t} \right| \leq (1 + m^2 T^2) \frac{(KT)^{n+1} (2N + 1)^n t^n}{2^{n+1} \cdot n!} \max \{C_1, (2N + 1)C_2\},$$

агар

$$(x, t) \in D'(T), Nn < |m| \leq (n + 1)N, n = 1, 2, \dots$$

баҳолар ўринли.

Теорема 2. $k(y, t), \hat{k}(y, t)$ иккита $\Omega(N, T, K)$ тўпламдаги ихтиёрий функциялар бўлсин ва $u_m(x, t), \hat{u}_m(x, t), m = 0, \pm 1, \pm 2, \dots, k(y, t), \hat{k}(y, t)$ билан (5) – (7) масала ечими бўлсин, мос равишда $\tilde{v}_m(x, t) = v_m(x, t) - \hat{v}_m(x, t), \tilde{k}_s(t) = k_s(t) - \hat{k}_s(t)$. У ҳолда K, T га узлуксиз боғлиқ $C_3 = C_3(N, T, K) \geq 1$ ва $C_4 = C_4(N, T, K)$ ўзгармаслар мавжуд бўлиб, қуйидаги

$$|\tilde{v}_0(x, t)| \leq C_3 \frac{\tilde{K}T^2}{2},$$

$$|\tilde{v}_m(x, t)| \leq C_3 \frac{\tilde{K}T^2}{2} \frac{(KT^2(2N + 1)t)^n}{2^n \cdot n!},$$

агар

$$(x, t) \in \bar{D}'(T), nN < |m| \leq (n + 1)N, n = 0, 1, 2, \dots$$

ва

$$\left| \frac{\partial \tilde{v}_m(x, t)}{\partial t} \right| \leq \tilde{K} \left[\frac{T(1 + m^2 T^2)}{2} + C_4 \frac{KT^2}{2} \frac{t}{1!} \right], |m| \leq N,$$

$$\left| \frac{\partial \tilde{v}_m(x, t)}{\partial t} \right| \leq C_4 \tilde{K} \frac{(KT^2(2N + 1))^n t^n}{2^2 n!},$$

агар

$(x, t) \in D'(T)$, $Nn < |m| \leq (n + 1)N$, $n = 1, 2, \dots$,
баҳолар ўринли, бу ерда $\tilde{K} = \max_{-N \leq s \leq N} \max_{0 \leq t \leq T} |k_s(t) - \hat{k}_s(t)|$.

1.2 бўлимда биз тўғри масаланинг ечими ҳақидаги

$$u_m(0, t) = f_m(t), \quad (8)$$

$$t \in \mathbb{R}_+, \quad \mathbb{R}_+ = \{t \in \mathbb{R} | t > 0\}, \quad m = 0, \pm 1, \pm 2, \dots, \pm N,$$

қўшимча маълумот бўйича, $k_s(t)$, $s = 0, \pm 1, \pm 2, \dots, \pm N$ функцияларни аниқлаш тескари масаласини ўрганамиз.

Таъриф 1. $k_s(t) \in C[0, \infty)$, $s = 0, \pm 1, \pm 2, \dots, \pm N$ функциялар (5) – (8) тескари масаланинг ечими дейилади, агар (5) – (7) тўғри масала ечими $u_m(x, t) \in D'(\mathbb{R}_+^2)$ (умумлашган функциялар синфидан, яъни тақсимот) $f_m(t) \in D'(\mathbb{R}_+)$, $m = 0, \pm 1, \pm 2, \dots, \pm N$ учун (8) тенгликни қаноатлантирса.

$\frac{\partial^2}{\partial t^2} - \frac{\partial^2}{\partial x^2} + m^2$ операторнинг фундаментал ечимидан фойдаланиб, тўғри масалани $v_m(x, t)$ номаълум функцияларга нисбатан Вольтерра типдаги интеграл тенглама кўринишида ёзиш мумкин. Ушбу тенгламани дифференциаллаб ва қўшимча шартларни ҳисобга олган ҳолда, $k_m(t)$ функциялар учун тенгламалар система оламиз. Кейин, $k_m(t)$ учун интеграл тенгламаларнинг ўнг томонига $U = (U_{-N}, \dots, U_N)$ операторни киритиб, уларни оператор тенглама сифатида қайта ёзишимиз мумкин,

$$k_m(t) = U_m(k_{-N}(t), \dots, k_N(t)), \quad (9)$$

Кейинчалик, ушбу системага сиқиб акслантириш усули қўлланилади.

Теорема 3. Ифода

$$f_m(t) = -\delta_{0m} \delta(t) + \theta(t) g_m(t), \quad t \in \mathbb{R}, \quad |m| \leq N,$$

тўғри бўлсин. Бундан ташқари, берилганлар

$$v_m(0, t) = g_m(t), \quad t > 0, \quad |m| \leq N$$

қуйидаги

$$g_m(t) \in C^2[0, T], \quad g_m(0) = g'_m(0) = 0, \quad m = 0, \pm 1, \pm 2, \dots, \pm N$$

ва

$$G = \max_{-N \leq s \leq N} \|g''_s(t)\|_{C[0, T]}.$$

шартларни қаноатлантирсин. У ҳолда шундай $T_0 \in (0, T)$ сони мавжуд бўлиб, (9) оператор тенгламалар $\Omega_0(N, T_0, 2G)$ соҳада ягона ечимга эга.

1.3 параграфда бошланғич-чегаравий масала

$$\frac{\partial^2 u}{\partial t^2} - \Delta u = \int_0^t k(x, y, \tau) u(x, y, t - \tau) d\tau, \quad (10)$$

$$u|_{t < 0} \equiv 0, \quad \frac{\partial u}{\partial x}|_{x=0} = \delta'(t). \quad (11)$$

бошланғич ва чегаравий шартлар билан қаралган.

Бу ерда $k(x, y, t)$ ядро маълум функция деб ҳисобланади. Айтайлик, ушбу ядро

$$k(x, y, t) = k_0(t)p(x, y), \quad (12)$$

кўринишга эга бўлсин, бу ерда $k_0(t) \in C^1[0, \infty)$, $k_0(0) \neq 0$.

$p(x, y)$ функцияни y фазовий ўзгарувчисига нисбатан $N \geq 0$ фиксирланган бутун сон билан

$$p(x, y) = \sum_{s=-N}^N p_s(x) e^{isy} \quad (13)$$

сонли Фурье қатори кўринишида ифодалаш мумкин дейлик. $\Omega(N, T, K)$ орқали p_s , $|s| \leq N$, коэффицентлари $[0, X]$, $X > 0$ оралиғда узлуксиз бўлган ва

$$|p_s(x)| \leq P, x \in [0, X], -N \leq s \leq N.$$

шартларни қаноатлантирадиган $k(y, t)$ функциялар тўпламини белгилаймиз. $p(x, y) \in \Omega(N, X, P)$ учун (10), (11) масала ечими y га нисбатан 2π даврий функция ҳисобланади ва уни y бўйича чексиз Фурье қатори билан ифодалаш мумкин.

$$u(x, y, t) = \sum_{m=-\infty}^{\infty} u_m(x, t) e^{imy}, \quad (14)$$

бу ерда (10) – (14) ифодалардан келиб чиқадиган коэффицентлар қуйидаги тенгламани қаноатлантиради

$$\left(\frac{\partial^2}{\partial t^2} - \frac{\partial^2}{\partial x^2} + m^2 \right) u_m(x, t) = \sum_{s=-N}^N p_s(x) \int_0^t k_0(\tau) u_{m-s}(x, t - \tau) d\tau \quad (15)$$

$$u_m(x, t)|_{t < 0} \equiv 0, \quad (16)$$

$$\frac{\partial u_m(x, t)}{\partial x} \Big|_{x=0} = \delta_{0m} \delta'(t), \quad (17)$$

$$m = 0, \pm 1, \pm 2, \dots,$$

бу ерда δ_{0m} – Кронекер симболи.

Берилган $k_0(t)$, $p_s(x)$, $s = 0, \pm 1, \pm 2, \dots$ функциялар учун, (15) – (17) муносабатларни қаноатлантирувчи (умумлашган маънода) $u_m(x, t)$, $m = 0, \pm 1, \pm 2, \dots$ функцияларни топиш масаласига тўғри масала дейилади.

Ушбу бўлимнинг асосий натижалари қуйидагилардан иборат:

Теорема 4. T – ихтиёрий мусбат сон бўлсин, $p(x, y) \in \Omega(N, X, P)$. У ҳолда (15) – (17) масаланинг ечими мавжуд ва уни $D(T)$ соҳада қуйидаги

$$u_m(x, t) = -\delta_{0m} \delta(t - x) + v_m(x, t) \theta(t - x), \quad m = 0, \pm 1, \pm 2, \dots,$$

кўринишда бериш мумкин, бу ерда $\theta(t)$ – Хевисайд функцияси: $t \geq 0$ учун $\theta(t) = 1$; $t < 0$ учун $\theta(t) = 0$ ва $v_m(x, t)$ функция $D'(T) = \{(x, t) | 0 \leq x \leq t \leq T - x\}$ соҳада узлуксиз дифференциалланувчи. Бундан ташқари, бу ечим ягона ва K, T га узлуксиз боғлиқ $C_1 = C_1(N, T, K) \geq 1$ ўзгармас мавжуд бўлиб, қуйидаги

$$|v_m(x, t)| \leq C_1 \frac{KT^2P}{4}, -N \leq m \leq N,$$

$$|v_m(x, t)| \leq C_1 \frac{(KT^2P)^{n+1}(2N+1)^n t^n}{4^{n+1} \cdot n!},$$

агар

$$(x, t) \in \overline{D'}(T), Nn < |m| \leq (n+1)N, n = 1, 2, \dots$$

баҳолаб ўринли.

Теорема 5. $p(x, y)$, $\hat{p}(x, y)$ иккита $\Omega(N, X, P)$ тўпламдаги ихтиёрий функциялар бўлсин ва $u_m(x, t)$, $\hat{u}_m(x, t)$, $m = 0, \pm 1, \pm 2, \dots$, $p(x, y)$, $\hat{p}(x, y)$ билан (15) – (17) масала ечими бўлсин, мос равишда $\tilde{v}_m(x, t) = v_m(x, t) - \hat{v}_m(x, t)$, $\tilde{p}_s(x) = p_s(x) - \hat{p}_s(x)$. У ҳолда K, T га узлуксиз боғлиқ $C_2 = C_2(N, T, K, P) \geq 1$ ўзгармас мавжуд бўлиб, қуйидаги

$$|\tilde{v}_0(x, t)| \leq C_2 \frac{K\tilde{P}T^2}{4},$$

$$|\tilde{v}_m(x, t)| \leq C_2 \frac{K\tilde{P}T^2}{4} \frac{(KPT^2(2N+1)t)^n}{4^n \cdot n!},$$

агар

$$(x, t) \in \overline{D'}(T), nN < |m| \leq (n+1)N, n = 0, 1, 2, \dots,$$

баҳолаб ўринли, бу ерда $\tilde{P} = \max_{-N \leq s \leq N} \max_{0 \leq x \leq T/2} |\tilde{p}_s(x)|$.

1.4 бўлимда биз (15) – (17) тўғри масаланинг ечими ҳақидаги

$$u_m(0, t) = f_m(t), \quad (8)$$

$$t \in \mathbb{R}_+, \quad \mathbb{R}_+ = \{t \in \mathbb{R} | t > 0\}, \quad m = 0, \pm 1, \pm 2, \dots, \pm N,$$

қўшимча маълумот бўйича, $p_m(x)$, $m = 0, \pm 1, \pm 2, \dots, \pm N$ функцияларни аниқлаш тескари масаласини ўрганамиз.

Таъриф 2. $p_m(x) \in C[0, \infty)$, $m = 0, \pm 1, \pm 2, \dots, \pm N$ функциялар (15) – (18) тескари масаланинг ечими дейилади, агар (15) – (17) тўғри масала ечими $u_m(x, t) \in D'(\mathbb{R}_+^2)$ (умумлашган функциялар синфидан, яъни тақсимот) $f_m(t) \in D'(\mathbb{R}_+)$, $m = 0, \pm 1, \pm 2, \dots, \pm N$ учун (18) тенгликни қаноатлантирса.

Бу ерда, 1.2 бўлимдаги каби, $p_m(t)$ функциялар учун интеграл тенгламалар сиситемаси олинади. Ушбу интеграл тенгламаларнинг ўнг томонига $U = (U_{-N}, \dots, U_N)$ операторни киритиб, уларни оператор тенглама сифатида қайта ёзишимиз мумкин,

$$p_m(t) = U_m(p_{-N}(t), \dots, p_N(t)), \quad (19)$$

Кейинчалик, ушбу системага сиқиб акслантириш усули қўлланилади.

Теорема 6. Ифода

$$f_m(t) = -\delta_{0m}\delta(t) + \theta(t)g_m(t), \quad t \in \mathbb{R}, \quad |m| \leq N,$$

тўғри бўлсин. Бундан ташқари, берилганлар

$$v_m(0, t) = g_m(t), t > 0, |m| \leq N$$

қуйидаги

$$g_m(t) \in C^2[0, T], \quad g_m(0) = g'_m(0) = 0, \quad m = 0, \pm 1, \pm 2, \dots, \pm N$$

ва

$$G = \max_{-N \leq s \leq N} \|g''_m(t)\|_{C[0, T]}.$$

шартларни қаноатлантирсин. У ҳолда шундай $T_0 \in (0, T)$ сони мавжуд бўлиб, (19) оператор тенгламалар $\Omega_0(N, T_0/2, 2G)$ соҳада ягона ечимга эга.

Диссертациянинг “**Бир жинсли анизотроп муҳитдаги ёпишқоқ-эластик тенгламалар системаси учун тескари масала**” деб номланган иккинчи боби доимий зичлик ва эластиклик модули бўлган муҳитдаги ёпишқоқ-эластиклик тенгламалар системасида диагонал матрицали ядрони аниқлаш масаласини ўрганишга бағишланган.

$x = (x_1, x_2, x_3) \in \mathbb{R}^3, t \in \mathbb{R}$ учун интегро-дифференциал тенгламалар системасини

$$\rho \frac{\partial^2 u_i}{\partial t^2} = \sum_{j=1}^3 \frac{\partial T_{ij}}{\partial x_j} + f(x, t), \quad i = 1, 2, 3, \quad (20)$$

$$u_i|_{t < 0} \equiv 0, \quad i = 1, 2, 3, \quad (21)$$

бошланғич шартлар билан кўриб чиқамиз.

Бу ерда $u_i(x, t)$, $u(x, t) = (u_1(x, t), u_2(x, t), u_3(x, t))^T$ силжиш вектор функцияси компоненталари ҳисобланади, T – транспонирлаш белгиси, T_{ij} орқали ёпишқоқ-эластик муҳит билан боғлиқ кучланишлар тензори белгиланган. Аниқроғи,

$$T_{ij}(x, t) = \sum_{k,l=1}^3 \left\{ c_{ijkl} \frac{\partial u_k}{\partial x_l}(x, t) + \int_0^t K_i(\tau) c_{ijkl} \frac{\partial u_k}{\partial x_l}(x, t - \tau) d\tau \right\}, \quad (22)$$

$f(x, t) = (f_1(x, t), f_2(x, t), f_3(x, t))^T$ – ташқи куч, $\rho > 0$ – муҳит зичлиги.

2.1 параграфда (20) – (21) тўғри масала, тойдирилган манба фаъзонинг белгиланган нуқтасида тўпланган, аммо вақт бўйича тақсимланган ҳол учун ўрганилган, демак $f(x, t)$ куйидаги

$$f(x, t) = \vec{e} \delta(x) \theta(t) f_0(t) \quad (23)$$

кўринишга эга, бу ерда $\vec{e} = (e_1, e_2, e_3)^T$ – берилган куч йўналишини аниқлайдиган бирлик вертор; $\theta(t)$ – Хевисайд функцияси; $\delta(x) = \delta(x_1) \delta(x_2) \delta(x_3)$ – фазонинг $x_1 = 0, x_2 = 0, x_3 = 0$ нуқтасида тўпланган Диракнинг дельта-функцияси; $f_0(t)$ – берилган силлиқ скаляр функция.

(22) тенгликдаги c_{ijkl} коэффициентлар муҳитнинг эластиклик модулидир. $K(t) = (K_1, K_2, K_3)(t)$ – муҳитнинг релаксация функцияси. Эластиклик модулларини куйидаги шартларга мувофиқ 6×6 матрица жихатидан қулай тарзда тасвирланган, жуфт (i, j) индексни $i, j = 1, 2, 3$ битта индексга $\alpha = 1, 2, \dots, 6$: $(11) \rightarrow 1, (22) \rightarrow 2, (33) \rightarrow 3, (23) = (32) \rightarrow 4, (13) = (31) \rightarrow 5, (12) = (21) \rightarrow 6$ тегизиш. Ушбу мослик симметрия $c_{ijkl} = c_{jikl} = c_{ijlk}$ хусусиятларига кўра мумкин. Кўшимча симметрия $c_{ijkl} = c_{klij}$ хоссаси, матрицанинг барча $C = (c_{\alpha\beta})_{6 \times 6}$ модуллари симметрично эканлигини англатади, бу ерда $\alpha = (ij), \beta = (kl)$. Маълумки, $\rho > 0$ ва $C = (c_{\alpha\beta})_{6 \times 6}$ матрица мусбат аниқланган.

Таъриф 3. $u(x, t) = (u_1, u_2, u_3)(x, t)$ векторни берилган $K(t) = \text{diag}(K_1, K_2, K_3)(t), C = (c_{\alpha\beta})_{(6 \times 6)}$ матрицалар ва $\rho > 0$ сони учун (20) – (23)

дан аниқлаш масаласига тўғри масала дейилади.

$U(v, t) = (U_1, U_2, U_3)^T(v, t)$, $x = (x_1, x_2, x_3) \in \mathbb{R}^3$ га нисбатан $u(x, t) = (u_1, u_2, u_3)^T(x, t)$ функциянинг Фурье алмаштириши бўлсин, яъни

$$U_j(v, t) = \int_{\mathbb{R}^3} u_j(x, t) e^{i\langle x, v \rangle} dx, \quad v = (v_1, v_2, v_3) \in \mathbb{R}^3, \quad j = 1, 2, 3, \quad (24)$$

$$\langle x, v \rangle = \sum_{j=1}^3 x_j v_j,$$

бу ерда v - алмаштириш параметри.

Теорема 7. $U(v, t) = (U_1, U_2, U_3)^T(v, t)$, (24) формула орқали аниқланган $u(x, t) = (u_1, u_2, u_3)^T(x, t)$ функциянинг Фурье алмаштириши бўлсин. У ҳолда U вектор-функцияга нисбатан (20) – (22) Коши масаласи куйидаги

$$\rho I \frac{\partial^2 U}{\partial t^2} = Q(v)U(v, t) + \int_0^t K(t - \tau)Q(v)U(v, \tau) d\tau + \vec{e}\theta(t)f_0(t),$$

$$v \in \mathbb{R}^3, t \in \mathbb{R},$$

$$U|_{t < 0} \equiv 0,$$

кўринишга эга, бу ерда I бирлик 3×3 ўлчовли матрица,

$$Q(v) = - \begin{pmatrix} Q_{11} & Q_{12} & Q_{13} \\ Q_{21} & Q_{22} & Q_{23} \\ Q_{31} & Q_{32} & Q_{33} \end{pmatrix}, \quad (25)$$

$Q_{ij}(v)$, $1 \leq i \leq 3$, $1 \leq j \leq 3$, v бўйича иккинчи тартибли бир жинсли кўпхадлар:

$$\begin{aligned} Q_{11}(v) &= c_{11}v_1^2 + 2c_{16}v_1v_2 + c_{66}v_2^2 + 2c_{15}v_1v_3 + 2c_{56}v_2v_3 + c_{55}v_3^2; \\ Q_{12}(v) &= c_{16}v_1^2 + (c_{12} + c_{66})v_1v_2 + c_{62}v_2^2 + (c_{14} + c_{56})v_1v_3 + (c_{52} + c_{64})v_2v_3 \\ &\quad + c_{54}v_3^2; \\ Q_{13}(v) &= c_{15}v_1^2 + (c_{14} + c_{65})v_1v_2 + c_{64}v_2^2 + (c_{13} + c_{55})v_1v_3 + (c_{63} + c_{54})v_2v_3 \\ &\quad + c_{53}v_3^2; \\ Q_{21}(v) &= c_{61}v_1^2 + (c_{21} + c_{66})v_1v_2 + c_{26}v_2^2 + (c_{41} + c_{65})v_1v_3 + (c_{25} + c_{46})v_2v_3 \\ &\quad + c_{45}v_3^2; \\ Q_{22}(v) &= c_{66}v_1^2 + 2c_{26}v_1v_2 + c_{22}v_2^2 + 2c_{64}v_1v_3 + 2c_{24}v_2v_3 + c_{44}v_3^2; \end{aligned} \quad (26)$$

$$\begin{aligned} Q_{23}(v) &= c_{65}v_1^2 + (c_{64} + c_{25})v_1v_2 + c_{24}v_2^2 + (c_{45} + c_{63})v_1v_3 + (c_{23} + c_{44})v_2v_3 \\ &\quad + c_{43}v_3^2; \\ Q_{31}(v) &= c_{51}v_1^2 + (c_{41} + c_{56})v_1v_2 + c_{46}v_2^2 + (c_{31} + c_{55})v_1v_3 + (c_{36} + c_{45})v_2v_3 \\ &\quad + c_{35}v_3^2; \\ Q_{32}(v) &= c_{56}v_1^2 + (c_{46} + c_{52})v_1v_2 + c_{42}v_2^2 + (c_{54} + c_{36})v_1v_3 + (c_{32} + c_{44})v_2v_3 \\ &\quad + c_{34}v_3^2; \\ Q_{33}(v) &= c_{55}v_1^2 + 2c_{45}v_1v_2 + c_{44}v_2^2 + 2c_{35}v_1v_3 + 2c_{34}v_2v_3 + c_{33}v_3^2. \end{aligned}$$

2.1 бўлимда (22) формула ёрдамида (20) тенгликга кирувчи $K(t) = \text{diag}(K_1, K_2, K_3)(t)$, $t \geq 0$, матрица функциясини аниқлаш учун тескари

масала ўрганилган, агар (20) – (23) тўғри масала ечими учун $v = v_0$, $t > 0$ (24) Фурье алмаштиришига нисбатан қуйидаги қўшимча маълумот маълум бўлса, яъни

$$U(v_0, t) = g(t), \quad g(t) = (g_1, g_2, g_3)^T(t), \quad (27)$$

бу ерда $g(t)$ - берилган силлиқ вектор-функция, $v_0 \in \mathbb{R}^3$ – берилган сонли вектор.

Таъриф 4. Тескари масала ечими деб, (20) – (23) масала ечимининг (27) шартни қаноатлантирувчи $K(t) = \text{diag}(K_1, K_2, K_3)(t)$ матрица функциясига айтилади.

Қуйидаги ягоналик ҳақидаги теорема исботланган.

Теорема 8. Ихтиёрий T , $T > 0$ белгилаймиз. Фараз қилайлик, $g(t) \in C^5[0, T]$, $f_0(t) \in C^3[0, T]$ ва қуйидаги

$$g(0) = 0, \quad g'(0) = 0, \quad f_0(0) \neq 0, \quad g''(0) = \frac{\vec{e}}{\rho} f_0(0), \quad g'''(0) = \frac{\vec{e}}{\rho} f_0'(0),$$

$$g^{(4)}(0) = \frac{Q(v_0)\vec{e}}{\rho^2} f_0(0) + \frac{\vec{e}}{\rho} f_0''(0), \quad e_i \neq 0, i = 1, 2, 3$$

мослаш шартлари бажарилган. Бундан ташқари, $\sum_{j=1}^3 Q_{ij}(v_0)\vec{e}_j = : q_i(c_{kl}, v_0, e_k) \neq 0, v_0 \neq 0$, бу ерда $Q(v)$ ва $Q_{ij}(v)$, $1 \leq i, j \leq 3$ мос равишда (25) ва (26) формулар ёрдамида аниқланган. У ҳолда, (20) – (24), (27) тескари масаланинг ягона ечими мавжуд ва

$$K(t) = \text{diag}(K_1, K_2, K_3)(t) \in C[0, T].$$

$G(\gamma)$ орқали 8-теоремадаги шартларни қаноатлантирувчи $g(t)$, $f_0(t)$ функциялар тўпламини белгилаймиз, ва $\max \{ \max_{1 \leq i \leq 3} \|g_i(t)\|_{C^5[0, T]}, \|f_0(t)\|_{C^2[0, T]} \} \leq \gamma < \infty$, $t \in [0, T]$, $i = 1, 2, 3$, γ – берилган сон.

Изоҳ 1. 8-теоремадаги барча мослаш шартлари, учунчи шартдан ташқари, вуктор шаклида ёзилган.

2.3 бўлимда тескари масала ечимининг турғунлик баҳолари ҳақида теорема олинган.

$A(\gamma)$ ва $B(\gamma_0)$ орқали, баъзи $T > 0$ учун

$$\max_{1 \leq i \leq 3} \|K_i\|_{C[0, T]} \leq \gamma, \quad \max_{1 \leq i \leq 3} \|g_i\|_{C^5[0, T]} \leq \gamma_0$$

бу ерда γ ва γ_0 мусбат ўзгармас сонлар, шартларни қаноатлантирувчи $K_i(t) \in C[0, T]$, $g_i(t) \in C^5[0, T]$ функциялар тўпламини, мос равишда, белгилаймиз.

Теорема 9. $K^m(t) = \text{diag}(K_1^m(t), K_2^m(t), K_3^m(t)) \in A(\gamma)$ мос равишда берилган $g^m(t) \in B(\gamma_0)$, $f_0^m(t)$, $m = 1, 2$ билан (20) – (24), (27) тескари масаланинг ечими бўлсин. У ҳолда $T, \rho, \gamma, \gamma_0, e_i$, $i = 1, 2, 3$ сонларга ва $Q(v_0)$ матрица элементларига боғлиқ C_0 мусбат ўзгармас сон мавжуд бўлиб, қуйидаги

$$\sum_{i=1}^3 \|K_i^1 - K_i^2\|_{C[0, T]} \leq C_0 \left[\sum_{i=1}^3 \|g_i^1 - g_i^2\|_{C^5[0, T]} + \|f_0^1 - f_0^2\|_{C^3[0, T]} \right].$$

турғунлик баҳоси ўринли.

Айирманинг нормаси тузилади, интегралларнинг қийматлари баҳоланади. Кейин Гронуолл тенгсизлиги қўлланилади.

Диссертациянинг учинчи бобини **“Қатламли муҳитнинг диэлектрик сингдирувчанлигининг вақт частотасига боғлиқлигини сонли аниқлаш”** деб номланади. Бу бобда биз n – қатламли x_3^k – чегара бўлимли муҳитни кўрамиз, $x_3^0 = 0$; k - қатлам $[x_3^{k-1}, x_3^k]$ интервалда жойлашган, охирги $N + 1$ (тагидаги) қатлам - $[x_3^N, \infty)$, $(-\infty, 0]$ – ҳаво. Ҳар бир қатламнинг физик хусусиятлари диэлектрик сингдирувчанлик ε , ўтказувчанлик σ ва муҳит хотираси характеристикалари, яъни берилган функциялар x_3 , $0 < x_3 < \infty$ ўзгарувчининг бўлакли ўзгармас функцияларидир, масалан, $\varepsilon_k = \varepsilon(x_3)$ бўлакли ўзгармас функциянинг k - қатламдаги қиймати.

